



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Boshqaruv samaradorligini oshirishda sun’iy intellekt imkoniyatlaridan foydalanishning nazariy asoslari	150
Askar Axrorovich Siddikov, Islomjon Umrzoq o‘g‘li Yovqochov Yashil mehmonxona va restoranlar: ekologik boshqaruv va barqarorlik	154
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шохида Ильясовна Артикова, Дилноза Наврузовна Султонова Реальные инвестиции как фактор повышения развития экономики страны	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Xurshida Abdumalikovna Karjavova Sug‘urta xizmatlari bozorini takomillashtirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish yo‘llari	161
Alisher Komilovich Baxadirov O‘zbekistonda lizing oluvchilarni ijara muomalalari hisobining amaldagi holatini barqarorlashtirish yo‘llari	167
Faridun Mustafoyevich Tursunov Tijorat banklarida innovatsion masofaviy bank xizmatlarini tashkil etishning ahamiyatli jihatlari	172
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар	177
Tolmasjon Namoz o‘g‘li Qurbonov “Yashil iqtisodiyot”ning iqtisodiy samaradorligini baholash tahlili	182
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobida sifat nazoratini tashkil etish va takomillashtirish	190
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова Корхоналарда даромад ва харажатлар таснифини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	192
Sirojiddin Haydarovich Shermamatov Uzoq muddatli aktivlar hisobi va auditini tashkil etishning muammo va istiqbollari	200
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	205
To‘lqin Mardiyev, Azizbek Gafurov Qardosh bo‘lmagan tillarda iqtisodiy idioma va frazeologiyalarning leksik-semantik xususiyatlari	212
Хилола Нематовна Очилова Камбағалликни қисқартиришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти	215
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев 1. Энг зарур тиббий ўғитлар. 2. Онкологлар энди мени кечиришмайди. бутун дунё топмаган дардимга, биргина мева даво бўлди!!	219

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Озода Мамаюнусовна Пардаева – ТДИУ, Самарқанд филиали кафедра мудирини,
доцент, PhD,

Севара Абдиназаровна Бабаназарова – СамИСИ доценти, PhD

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ АНАЛИТИКАСИ (ТАҲЛИЛИ) ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ОИД ФИКРЛАР

Аннотация. Мақолада инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг муҳим вазифалари қараб чиқилган. Бунда олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом асосида белгиланган вазифалар ҳам ИРА фанининг объекти сифатида қаралган. Шунингдек, инсон ресурслари аналитикасининг (таҳлилининг) инновацион иқтисодиёт шароитидаги асосий саккизта вазифаси келтирилган ва уларнинг мазмуни очиқ берилган.

Калит сўзлар: инсон ресурслари, инсон ресурслари аналитикаси, олий маълумотли кадрлар, платформа, омиллар, омиллар таъсири, омиллар ҳисоб-китоби.

Кириш. Инновацион иқтисодиёт шароитида инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг ҳам муҳим вазифалари мавжуд. Чунки бугунги ўзгаришлар жадаллашаётган шароитда ушбу масаланинг долзарблиги янада ошади. Чунки 2025 йилнинг 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 49-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, эндиликда олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси Махсус электрон платформа орқали шакллантирилади.

Қарорда қайд этилишича “2025/2026 ўқув йилидан олий маълумотли кадрларга давлат буюртмаси Платформада жамланган маълумотлар ва меҳнат бозори талабини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Кадрларга бўлган эҳтиёж 4 йиллик даврга ишлаб чиқилади ва ҳар йили меҳнат бозорининг ўзгариш тенденциялари, ҳудудларда ижтимоий соҳа муассасалари ва иқтисодиёт тармоқларини кадрлар билан таъминлаш инobatга олиниб Платформага тегишли тузатишлар киритиб борилади”¹. Ушбу Платформа иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сонини аниқ кўрсатиб боради. Шунингдек, давлат ва нодавлат ОТМлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман бандлиги, меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси бўйича ҳам аниқ маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари, НЕМИС ахборот тизимида мавжуд битирувчилар ва ОТМлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳам таҳлили берилади.

Кўриниб турибдики, инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фани энди мақсадга мувофиқ, аниқ йўналишлар бўйича амалга оширилади. Чунки, юқоридаги тасдиқланган Низомда “давлат буюртмасини шакллантиришда маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва буюртмани юқори турувчи органларга тақдим этиш, иш берувчиларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби, иқтисодиёт тармоқларини мутаносиб ривожлантириб бориш мақсадида давлат буюртмасини шакллантиришда устуворлик бериладиган йўналишларни аниқлаш кабиларни назарда тутати”². Буларнинг ҳаммаси ИРТ орқали аниқ ҳисоб-китоб қилиб борилади. Зеро, 2025 йилдан 4 йиллик давр учун давлат буюртмаси параметрларини олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда тасдиқлаш учун таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат

¹ <https://xs.uz/uzkr/123732>

² <https://xs.uz/uzkr/123732>

комиссиясига ҳар йили 1 майга қадар киритиш таъминланиши ҳам кўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси инновацион иқтисодий шароитида инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанинг вазифаларини аниқ белгилашни тақозо қилади.

Бундай инновацион ва рақамли иқтисодий шароитида хўжалик фаолияти ва инсон ресурслари таҳлилининг роли кескин ошади, чунки инсон ресурсларини ҳам бошқаришда маъмурий буйруқбозлик тизимидан янги, эркин, иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланди. Олдин иқтисодий таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга унинг бажарилишини таъминлашнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга қаратилган бўлса, эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан катъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган кўргазмани, буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки ўзлари мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий таҳлил билан биргаликда инсон ресурслари таҳлилининг ролини янада оширади. Кўриниб турибдики, ушбу мавзу бугунги кунда ўта долзарб масалаларда бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг иқтисодийга оид бўлмаган фанлар билан боғлиқлигига бағишланган мақолани тайёрлаш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон ресурслари таҳлили орқали ҳар бир объектида мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларнинг амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу туфайли ҳозирги ҳаёт ҳар қандай корxonани тўғри бошқариш учун инсон ресурсларини таҳлили қилишни тақозо қилади.

Бу мақсадлардан инсон ресурслари таҳлилининг вазифаси келиб чиқади. Инсон ресурслари таҳлилининг инновацион иқтисодий шароитидаги асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, корхонада тузилган бизнес-режасини бажариш учун тегишли ихтисосликлар бўйича қанча ходимлар кераклиги ва етишмайдиганларини қандай ва қаердан олиш масалаларининг концептуал йўналишларини белгилайди;

Иккинчидан, бизнес-режанинг бажарилиш жараёнини, корxonанинг молиявий барқарорлигини таъминлашини, унинг иқтисодий қудратини яхшилашини, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ишга солишда айнан кимлар жалб қилиниши ўрганилади ва амалга оширилади;

Учинчидан, ҳар бир йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини оширишга сафарбар қилиш;

Тўртинчидан, хўжаликда мавжуд инсон ресурсларининг меҳнат, моддий ва молиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳам натижавий кўрсаткичларга таъсирини ҳамда ҳар бир кўрсаткич ўзгаришига бошқа омиллар таъсирини баҳолаш;

Бешинчидан, инсон ресурслари аналитикаси орқали корxonанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятига (потенциалига), унинг тўловга қодирлиги ва қобилиятлигига баҳо бериш ҳамда бу натижага эришиш учун тезкор чора-тадбирларни қўллаш йўллари ишлаб чиқиш;

Олтинчидан, корхонада инсон ресурслари аналитикаси орқали тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий аҳволини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш масаласини ҳам шакллантириш;

Еттинчидан, инсон ресурслари аналитикаси орқали корxonани ривожлантиришнинг ички ва ташқи имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарувнинг энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Саккизинчидан, инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) орқали инновацион иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларига ташхис қўйиш ва шунга мос бўлган кадрларни тайёрлаш масалаларини қўйиш ҳамда унга эришиш йўлларини аниқ белгилаш лозимдир.

Инсон ресурслари таҳлилининг биринчи вазифаси бевосита унинг бизнес-режа билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Инсон ресурслари таҳлили жараёнида бир томондан, бизнес-режанинг амалга ошганлигини ўрганилса, иккинчидан, хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб, келгуси давр учун бизнес-режани тузишда тегишли ахборотларни тўплаб беради. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолиятининг асосий режа кўрсаткичлари юқоридан берилар эди. Шу туфайли инсон ресурслари таҳлилин юқори ташкилотлар амалга ошириб келган. Энди инновацион эркин иқтисодиёт шароитида вазият тубдан ўзгарди. Ҳар бир корхона ўз фаолияти учун ўзи масъул. Ўзи режалаштиради, ўзи ҳисоботни тузади ва ўзи назорат қилади. Бундай шароитда корхона хўжалик фаолиятини юқори ташкилот эмас, балки унинг ўз мутахассислари, менежерлари инсон ресурслари ҳолатини ҳам таҳлили қилади. Шу туфайли инсон ресурслари таҳлилининг роли ва вазифаси бизнес-режани тузишда ва уларнинг назоратини таъминлашда кундан-кунга ошиб бомоқда. Чунки бизнес-режанинг ҳар бир кўрсаткичи иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишлиги инсон ресурслари таҳлили орқали амалга оширилади. Муҳими унинг бажарилишини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу туфайли жорий даврда ҳам бизнес-режанинг бажарилишини тезкор инсон ресурслари таҳлили орқали амалга оширишни тақозо қилади.

Инсон ресурслари таҳлилининг иккинчи вазифаси, бевосита корхонада бизнес-режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бизнес-режани тузиш, унга киритиладиган кўрсаткичлар бўйича қатъий белгиланган андоза йўқ. Бундай бўлишига фикримизча, зарурат ҳам бўлмаса керак. Чунки жуда кўпчилик корхоналар бир соҳа билан шуғулланса ҳам уларнинг иш услуби ҳар хил, ўзларига хос бўлиши мумкин. Бу эса олдингидек ҳамма корхона фаолиятига бир хил ёндошиш имконини бермайди. Аммо умумий йўналиш бўйича кўрсаткичлар тизими бир-бирига яқин бўлиши табиий. Масалан, ҳар бир корхона юқори рентабелликка эришишга интилиши, молиявий барқарорликни таъминлаши, ўзининг иқтисодий қудратини яхшилаши учун ҳаракат қилади. Демак, бу инсон ресурслари таҳлилининг ҳам барча корхоналар учун методологик асос бўладиган усулларининг бўлишини тақозо қилади. Шу туфайли, инсон ресурслари таҳлили жараёнида бизнес-режанинг бажарилиш даражасини чуқур ўрганиш шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо беришдек муҳим вазифа ҳам ушбу фан зиммасига юклатилган. Бизнес-режани бажариш жараёнида маълум қонуниятга эга омиллар билан бирга кўзда тутилган тасодифий омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин.

Инсон ресурслари таҳлилининг учинчи вазифаси хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу эса бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида вужудга келган кўпгина янги кўрсаткичлар ва омиллар таъсирини аниқлайдиган омиллар таҳлил лозим бўлади. Инсон ресурслари таҳлилида ҳам ушбу омиллар таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Инсон ресурслари таҳлили натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли билан шу инсон ресурслари таҳлили қилинаётган кўрсаткични яхшилашни, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар қилиш йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳозирги ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан молиялаштириш асосан барҳам топган бир пайтда, ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни хўжалик фаолиятига сафарбар қилиш ҳам инсон ресурслари таҳлили орқали амалга оширилади.

2030 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қўйилган устувор вазифалардан кўриниб турибдики, ҳозирги шароитида инсон ресурслари таҳлилининг асосий вазифаларидан бири ушбу жараённинг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш ҳисобланади. Ҳар бир натижа омиллар таъсирида рўй беради. Ушбу таъсир этувчи

омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш ҳам таҳлилнинг муҳим вазифаларидан иборатдир. Бунда ҳам нафақат ички омиллар, балки ташқи омиллардан ҳам фойдаланиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Инсон ресурслари таҳлилининг тўртинчи вазифаси иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан келиб чиқади. Қайси соҳа бўлмасин, иқтисодий жараён содир бўлиши учун меҳнат воситаси, меҳнат предмети ва жонли меҳнатнинг мужассамлиги лозим бўлади. Иқтисодиётнинг бу элементлари самарадорлигини оширмай туриб бошқа кўрсаткичлар миқдорининг юқори бўлишига эришиб бўлмайди. Шу туфайли Инсон ресурслари таҳлили жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда моддий-техника базасининг бошқа элементларга тўғри келишини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим. Масалан, юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган, илғор технологияга асосланган ускуна мавжуд. Лекин шу ускунани ишлатаоладиган, шунга малакаси етарли бўлган мутахассис керак бўлади. Агар корхонада юз киши бўлса (унинг штатида шунча киши банд бўлса), лекин тегишли мутахассис бўлмаса бундай ҳолатда корхонанинг моддий техника базаси ҳам, меҳнат ресурслари ҳам самарасиз бўлади. Шу туфайли улар бир-бири билан диалектик боғлиқликда. Техника ва технология такомиллашдим, демак ходимларнинг малакаси ҳам шунга мос равишда ошиб бориши лозим. Шундагина тегишли, кўзда тутилган натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда қилинган тадбирлар, сарфланган ҳаракатлар тегишли самара бермаслиги табиий. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси инсон ресурслари таҳлили орқали аниқланади ва аниқланган вазиятдан тегишли хулоса қилинади. Шу туфайли инсон ресурслари таҳлилининг роли корхоналар, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, самарадорлигини оширишда янада ошмоқда. Корхонанинг умумий самарадорлиги бевосита унинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ.

Инсон ресурслари таҳлили жараёнида моддий-меҳнат ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини алоҳида ўрганиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва умумий натижага таъсирини ҳам кўриб чиқиш лозим. Демак, инсон ресурслари таҳлилининг вазифаси шу кўрсаткичларни диалектик боғлиқликда ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан асосланган хулоса қилишдан иборатдир.

Инсон ресурслари таҳлилининг бешинчи вазифаси, корхоналарнинг эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатаётганлигидан келиб чиқади. Ҳозирги пайтда инсон ресурслари таҳлили асосан бухгалтерия балансидаги маълумотлар билан чекланиб қолганлиги туфайли унинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тўлиқ ўрганилмапти. Иқтисодий потенциалга бухгалтерия балансида кўрсатилган асосий ва айланма капитал ҳамда номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари ҳам қиради. Таъкидланганидек, ушбу элементлар ўзаро боғлиқ равишда ишлатилиши учун молиявий потенциалнинг аҳамияти катта. Иқтисодиётнинг ҳар хил босқичида молиявий потенциал таркиби турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги банк кредити учун тўланадиган фоизнинг қорхона имкониятларига нисбатан баландлигини инобатга олинадиган бўлса қорхоналар ўз фаолиятини асосан хусусий маблағлари эвазига юритгани яхши. Агарда иқтисодиёт барқарорлашиб, пулнинг қадрсизланиш даражаси камайгандан сўнг банк кредитининг фоизи камаяди ва ниҳоят ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда қорхона молиявий потенциалнинг таркиби, улардан қандай фойдаланилаётганлиги, қандай ўзгаришлар кўзда тутилаётганлиги, истиқболи қандай бўлиши кабиларни ўрганиш ҳаёт тақозоси. Бу эса инсон ресурслари таҳлили орқали амалга оширилади. Шу туфайли инсон ресурслари таҳлилининг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири қорхона иқтисодий ва молиявий потенциалига баҳо бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва инсон ресурслари таҳлили қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Инсон ресурслари таҳлилининг олтинчи вазифаси ҳам бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётнинг шаклланиши билан вужудга келди. Инсон ресурслари

таҳлили жараёнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини молиявий таҳлили усуллари қўллаган ҳолда, ундаги мавжуд тижорат сирини эса бошқарув ҳисоби маълумотларини таҳлили қилиш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Инсон ресурслари таҳлили орқали корхонанинг молиявий аҳволи, унинг истиқболи аниқ ва равшан бўлади. Барча ижобий натижалар бўлса, албатта ташқи инвесторлар хабардор бўлиши лозим. Лекин қайси кўрсаткичларни, қачон ва қандай ҳолатда ошқор қилиш муҳимлигини ҳамма ҳам ҳамиша билавермайди. Ташқи инвесторларнинг капитал қўйилmalarини жалб қилиш мақсадида фақат шу корхонага хос бўлган иш усуллари, баъзи фаолият жараёни ва унинг натижаларини ошқора қилмаслик керак. Бу ҳар бир корхонанинг тижорат сири. Шу туфайли тижорат сирини ошқора қилмаган ҳолда корхона молия-хўжалик фаолиятини кўз-кўз қилиш ҳам инсон ресурслари таҳлилининг асосий вазифаларидан биридир.

Инсон ресурслари таҳлилининг еттинчи вазифаси, инновацион иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди. Аммо у пайтда фаолиятнинг ҳамма соҳаси, жумладан бошқарув ҳам юқоридан берилган режанинг бажаришига қаратилган эди. Кўп ҳолларда асосий режа кўрсаткичи бажарилар эди, аммо у корхона, давлатга қанчалик қимматга тушаётганлиги билан ҳеч ким қизиқмас эди. Масалан, савдо корхоналарининг асосий режа кўрсаткичи унинг товар обороти. Уни бошқариш учун ҳамма сафарбарлик амалга оширилди. Лекин унинг қанча харажат талаб қилиши ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Оқибатда, жуда кўп савдо корхоналари товар оборотини бажариш билан бирга фаолият натижаси зарар билан яқунланар эди. Натижада юқори ташкилотлардан унинг оборот маблағларини “тўлдириш” учун жуда кўп маблағ ажратилар эди. Энди бундай ишларга барҳам берилди. Корхонани бошқариш юқори ташкилот манфаатини ҳисобга олиб эмас, балки бевосита шу субъектнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу эса ҳар бир корхона фаолиятини ўрганиш ва инсон ресурслари таҳлили қилишни тақозо қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, инсон ресурслари таҳлилининг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти серқиррали. Инсон ресурслари таҳлили жараёнида унинг ҳамма томонларини ўрганиш лозим. Шундай экан, инсон ресурслари таҳлили вазифасини ҳам кўп қирралидир. Шу туфайли ушбу йўналишда уларнинг энг асосийларини келтирдик, холос.

Инсон ресурслари таҳлили жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўйилмаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва унинг самарадорлигининг ошиб бориши эвазига рақобатбардошлиги таъминланади.

Хулоса ва таклифлар. Кўриниб турибдики, инсон ресурслари таҳлилининг вазифаси инновацион иқтисодиёт шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажақда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятининг узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади. ИРА инсон капитали ва шу орқали барча соҳаларни ривожлантиришнинг асосий ричаги ҳисобланади. Ташкилотларда инсон ресурслари аналитикаси самарадорлиги оширишда қуйидаги тавсия ва таклифларни келтириш зарур:

- Мақсадни аниқлаштириш ва тўғри қўйиш;
- Ходимлар бўлими маълумотларини тизимлаштириш, уларни бошқариш ва маълумотлар сифатини таъминлаш;
- Инсон ресурсларини таҳлил қилиш воситалари ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш;
- Ходимларни танлаш ва ишга қабул қилиш, лавозимларга тайинлаш услубларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш;
- Ходимларнинг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ва рағбатлантириш кабиларни эътибордан четда қолдирмаслик;
- Ходимлар билан очиқ мулоқотлар олиб бориш.

Шулар орқали ташкилот ва корхоналар инсон ресурсларини оқилона таҳлил қилиб, узоқ вақтлар самарали ва муваффақиятли фаолият олиб бориш билан бирга ходимларнинг рақобатбордошлигини оширади.

<p>М.Пардаев, О.Пардаева, С.Бабаназарова</p> <p>Размышления о задачах предмета «Аналитика (анализ) человеческих ресурсов»</p>	<p>M.Pardaev, O. Pardaeva, S.Babanazarova</p> <p>Reflections on the objectives of the subject “Human Resources Analytics”</p>
<p>Аннотация. В статье рассматриваются важные задачи дисциплины «Аналитика человеческих ресурсов». В этой связи в качестве объектов АЧР рассматривались и задачи, возложенные на кадры высшей школы на основании Положения о порядке формирования государственного заказа. Также представлены восемь основных задач аналитики (анализа) человеческих ресурсов в условиях инновационной экономики и пояснено их содержание.</p> <p>Ключевые слова: человеческие ресурсы, кадровая аналитика, высокообразованные кадры, платформа, факторы, влияние факторов, расчет факторов.</p>	<p>Abstract. The article examines the important tasks of the discipline "Human Resources Analytics". In this regard, the tasks assigned to the personnel of higher education on the basis of the Regulation on the procedure for forming a state order were considered as objects of HRA. Eight main tasks of human resources analytics (analysis) in the context of an innovative economy are also presented and their content is explained.</p> <p>Keywords: human resources, personnel analytics, highly educated personnel, platform, factors, influence of factors, calculation of factors.</p>

Tolmasjon Namoz o‘g‘li Qurbonov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Iqtisodiyot fakulteti talabasi

“YASHIL IQTISODIYOT”NING IQTISODIY SAMARADORLIGINI BAHOLASH TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada “yashil” iqtisodiyotga o‘tish ahamiyatini yoritib berish bilan birga “Yashil iqtisodiyot”ning iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari orqali baholash usullari ko‘rib chiqilgan hamda ushbu mezon bo‘yicha O‘zbekiston “Yashil” iqtisodiyotining barqaror rivojlanish darajasi va kelgusidagi imkoniyatlari tahlil qiluvchi ko‘rsatmalar berilgan. Natijalar asosida esa mamlakatda “Yashil” iqtisodiyotining iqtisodiy samaradorligini oshirish uchun ilmiy asoslangan xulosa va takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: “Yashil” iqtisodiyot, atrof-muhit, iqtisodiy samaradorlik, baholash, energiya, quyosh energiyasi, shamol energiyasi, sanoat tarmoqlari, transport, chiqindilarni qayta ishlash, “Yashil” innovatsiya, “Yashil” texnologiya.

Kirish. Global miqyosda atrof-muhit muammolarning keskinlashuvi, iqlim o‘zgarishi va tabiiy resurslarning cheklanganligi sababli “Yashil iqtisodiyot” kontsepsiyasiga o‘tish zarurati tobora dolzarblashib bormoqda. Bir tomondan atrof-muhitga chiqariladigan zararli gazlarning hajmi ortishi natijasida Ozon qatlamining yemirilishi hamda muzliklarining erishi global iqlim o‘zgarishiga sabab bo‘layotgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan dunyo aholisining soni ortishi, resurslar taqchilligi kuchaydi. Shu sababli ham “Yashil” iqtisodiyot” inson farovonligini oshirish va tabiat o‘rtasida bo‘ladigan munosabatlar barqarorligini ta‘minlash va iqtisodiy samaradorlikni birlashtirgan yangi rivojlanish modeli sifatida ko‘riladi. Uning iqtisodiy samaradorligi esa mavjud resurslardan maksimal foyda olish darajasini ifodalovchi ko‘rsatkich bo‘lib, u resurslar isrofchiligini kamaytirish, adolatli taqsimlash, xarajatlarni optimallashtirish va ishlab chiqarishni natijador qilishga qaratilgan. Xususan, O‘zbekistonda insoniyat faoliyatini va uning

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.